

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

№ ВМ – 343 - 5А3406015 – 2.03

« 1 » Июль **2003 й**

«ТАСДИҚЛАНДИ»

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

« 8 » Июль **2003 й**

**ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯ ДАТТУРИ ВА УНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 —«Бизнес ва бошқарув»
таълим соҳасидаги 5А3406015 — «Давлат инвесторлари»
магистратура мутахассислиги учун**

Тошкент-2003

Тузувчи: доц. Каримов Н. Ф.

Такризчилар: доц. Тошмуратов Ш. М.,
доц. Акрамова Г. А.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштиришнинг асосий йўналишларидан бири давлат инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва унда мамлакатимизда инвестицияларни стратегия маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтириш, уларни молиялаштириш ва кредитлаштириш механизмини шакллантиришдан иборат. Давлат инвестиция сиёсатининг асосий негизи ҳам инвестиция дастурининг моҳияти ва уни амалга татбиқ этишдан келиб чиқади. «Давлат инвестиция дастури ва уни шакллантириш» фанининг бош мақсади ҳам магистрантларга бугунги кундаги республикамиз инвестиция дастурининг моҳияти, мақсади, йўналиши, уни шакллантириш механизмини ўргатишдан иборатдир. Бу мақсаддан келиб чиққан ҳолда фаннинг асосий вазифаси ҳам магистрантларга Ўзбекистон инвестиция дастурининг иқтисодий мазмуни, таркиби, уни шакллантириш жараёни, давлат инвестицияларини молиялаштириш ва кредитлаштириш тартибини, инвестиция фаолиятини мувофиқлаш-тиришни ташкил этишни ўргатишга қаратилгандир.

Одним из основных направлений государственной координации инвестиционной деятельности является разработка инвестиционных программ. Инвестиции должны направляться на выпуск стратегически важных продукции, на формирование механизма финансирования и кредитования. Сущность и значение государственной инвестиционной политики вытекает из реализации государственных инвестиционных программ. Основной целью дисциплины _ «Государственная инвестиционная программа и ее формирование» является изучение магистрами сущности, цели, направлений и механизмов формирования государственной инвестиционной программы. Исходя из вышеуказанных целей, основными задачами дисциплины является: обучать магистрантов экономической сущности инвестиционной политики Узбекистана, содержанию инвестиционных программ, циклу формирования инвестиционных программ, порядку финансирования и кредитования государственных инвестиций, организации координации инвестиционной деятельности.

One of the main directions of state coordination's investment activity is the development of the investment programs. Investments should be directed of strategically important goods both formation of the financing and crediting mechanisms. The essence and meaning of state investment policies follows from realization of the state investment programs. By the basic purpose of discipline «The State investment programs and their formation» is to teach magistrates of essence, purpose, directions and mechanism of formation of the state investment program. Proceeding from above-given curriculum is to train masters of economic essence of investment policies of Uzbekistan, contents of the investment programs, cycle of formation of the investment programs, order of financing and crediting of the state investments, organization of investment activity.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель, 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлараро илмий-услугий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль, 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришнинг асосий йўналишларидан бири давлат инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва инвестицияларни стратегия маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтириш, уларни молиялаштириш ва кредитлаштириш механизмини шакллантиришдан иборат, Давлат инвестиция сиёсатининг асосий негизи ҳам инвестиция дастурининг моҳияти ва уни амалга татбиқ этишдан келиб чиқади.

Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши

«Давлат инвестиция дастури ва уни шакллантириш» фанини ўқитишнинг бош мақсади магистрантларга республикамизнинг бугунги кундаги инвестиция дастурининг моҳияти, мақсади, йўналиши, уни шакллантириш механизмини ўргатишдан иборатдир. Бу мақсаддан келиб чиққан ҳолда фаннинг асосий вазифаси Ўзбекистан инвестиция дастурининг иқтисодий мазмуни, таркибини, инвестиция дастурини шакллантириш жараёнини, давлат инвестицияларини молиялаштириш ва кредитлаштириш тартибини, инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришни ташкил этишни ўргатиш ҳисобланади.

Мазкур фан "Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти", "Инвестицион таҳлил", "Инвестиция ло!"¹халари таҳлили ва техник экспертизаси", "Давлат инвестиция сиёсати, инвестиция лойиҳалари мониторинги», "Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизми", "Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб китоблар» каби фанлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, магистрантлардан ушбу фанларни ҳам мукамал ўзлаштиришлари талаб этилади.

Фан бўйича билим, кўн и км а ва малакаларга талаблар

Ушбу фанни ўрганиш жараёнида магистрантлар тегишли билимга, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим.

Магистрантлар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда инвестиция ва хорижий инвестиция соҳасига оид қонунчилик, инвестиция дастурларини тайёрлаш тартиби бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улардаги ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим.

«Давлат инвестиция дастури ва уни шакллантириш» фанини ўзлаштириш учун магистрантлар қуйидагиларни билишлари зарур:

- давлат инвестиция дастурининг мазмуни, мақсади;
- Ўзбекистондаги инвестиция дастурини шакллантириш жараёни;
- давлат инвестиция дастурига киритилган объектларни кредитлаш ва молиялаштириш тартиби;
- инвестиция фаолияти ва уни давлат томонидан мувофиқлаштириш воситалари;
- Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини - ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари.

Магистрантлар мазкур ўқув фанидан юқорида таъкидлаб ўтилган мавзулар бўйича аниқ тасаввурга эга билишларини, билиши, амалиётда қўллай олишлари ҳамда янгиликларни ўзлаштира билишлари керак. Шунингдек, улар замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш асосларини ўргатувчи фанларни ҳам ўзлаштиришлари лозим.

Ўқитиш жараёнида назария билан амалиёт бирлигини, магистрантларнинг илим ва илмга бўлган қизиқишини таъминловчи усулларни қўллаган ҳолда уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиб бериш зарур.

«Давлат инвестиция дастури ва уни шакллантириш» фани бўйича ўзлаштирилган билимлар магистрантларнинг кундалик фаолиятида учрайдиган долзарб амалий масалаларни ечишда ҳамда замонавий иқтисодиётга дойр адабиётларни ўрганиб ўз малакаларини оширишларида қўл келади.

Амалий, семинар ва лаборатория машғулоти бўйича бажариладиган ишлар миқдorigа минимал талаблар

Ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотлар мавзулари юзасидан магистрант тегишли мавзулар бўйича конспектлар олади, рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлайди.

Машғулотлар ҳажми бўйича тавсиялар

Фанга жами 60, шу жумладан 20-маъруза, 20-амалий ва 20-мустақил таълим соатлари ажратилган.

Ўқув жараёнида режага мувофиқ олдин маъруза кейин амалий машғулот ўтказилади. Ўтилган мавзулар бўйича магистрантларнинг мустақил ўрганиши учун алоҳида мавзулар бўйича уй вазифалари берилади. Магистрантларнинг олган билимларини аниқлашда турли назорат усуллари қўлланилади.

Талабалар ўзлаштиришини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

Ушбу фан бўйича талабаларнинг ўзлаштириш даражаси рейтинг тизими бўйича жорий, оралиқ ва якуний баҳолашда йиғилган баллар асосида белгиланади.

Фан ўқитиладиган ҳар бир семестрда икки маротаба жорий оаҳолаш, оралиқ баҳолаш ва бир маротаба якуний баҳолаш («ёзма иш» усулида) амалга оширилади. Агар фан бир неча семестр давомида ўқитилиши кўзда тутилса, олдинги семестрлар ниҳоясида якуний баҳолаш оғзаки ёки тест усулида амалга оширилиши мумкин. Охириги семестрда эса, якуний баҳолаш фақат «ёзма иш» усулида амалга оширилади.

Замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш

Қуйидагилар «Давлат инвестиция дастури ва уни шакллантириш» фанини ўқитиш компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларидан таркибий қисмлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ўқув мақсадлари ва вазифалари каталогини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига кўчириш;
- тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан, слайд ва компьютер дастурларидан фойдаланиш;
- режалаштирилган мақсадларнинг бажарилишини баҳолаш.

Магистрантларга фанни замонавий усулда ўргатиш, уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиш ҳамда олган билимини мустақил равишда баҳолаш учун қуйидагилардан фойдаланилади:

- магистрантларни олдиндан тарқатма материаллар билан таъминлашга эришиш;
- магистрантларга олган билимларини ўзлари баҳолашлари учун шароит яратиб бериш;
- магистрантларнинг билимини таянч иборалар асосида баҳолашни жорий қилиш;
- магистрантларни кичик гуруҳларга бўлиб ўқитувчилар раҳбарлигида мустақил билим олишга ўргатиш ва ҳ.к.

Бу фанни ўқитишда инвестиция соҳасига доир қонушгар, ҳукумат қарорлари, давлат инвестиция дастурларини шакллантириш бўйича тавсиялар ва йўриқномалар, низомлар ва инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг ЮНИДО услуги ва компьютер дастурларидан, янги компьютер технологиялардан, тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ишчи дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

Мазкур фан "Давлат инвестициялари", «Давлат молиясини бошқариш» мутахассисликларига биринчи ва иккинчи семестрларда ўқитилиши мўлжалланган. Бу фанни ўқитишда инвестиция фаолиятига тегишли қонунлар, қарорлар, инвестиция дастурлари, низомлар ва компьютер дастурларидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

«Давлат инвестиция дастури ва уни шакллантириш» фани маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда ўтилади. Магистрантларнинг таълим жараёнида олган билимлари ҳайъат аъзолари томонидан рейтинг тизими асосида баҳоланади.

2. ФАН ДАСТУРИ

Маъруза машғулотлари мавзулари

Фаннинг предмет и ва мазмуни. Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсатининг моҳияти ва асосий йўналишлари

«Давлат инвестиция дастури ва уни шакллантириш» фанининг предмети ва вазифалари. Фаннинг таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги. Ўзбекистон Республикасида инвестиция сиёсати. Ўзбекистон инвестиция сиёсатининг мақсади. *Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари.*

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан бошқариш ва мувофиқлаштириш

Инвестиция фаолияти ва уни амалга ошириш босқичлари. Инвестиция фаолиятининг объектлари ва субъектлари. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштириш ва бошқариш.

Давлат инвестиция дастурини шакллантириш

Давлат инвестиция дастурининг моҳияти ва мақсади. Давлат инвестиция дастурини тайёрлаш жараёни. Давлат инвестиция дастурига инвестиция лойиҳаларини киритиш тартиби ва уларни молиялаштириш. Бюджет маблағларига бўлган эҳтиёжни аниқлашда ҳисобга олинган харажатлар. Капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари. Инвестиция дастурини бюджетдан молиялаштириш ва бунда хорижий инвестицияларнинг тутган ўрни. *Инвестиция лойиҳаларнинг адрес дастурлари.*

Давлат инвестиция дастурига киритилган капитал қурилиш объектларини молиялаштириш ва кредитлаш

Капитал қурилишнинг мазмуни ва моҳияти. *Давлат инвестиция дастурига киритилган капитал қурилишни бюджет маблағлари эвазига молиялаштириш.* Давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминлашни расмийлаштириш учун буюртмачиларни маблағ билан таъминловчи банкларга тавдим этиладиган ҳужжатлар. Дастурга киритилган капитал қурилиш лойиҳаларини маҳаллий ва чет эл банклари маблағлари эвазига кредитлаш.

Давлат инвестиция дастурини амалистга татбиқ этиш

Давлат инвестиция дастурини амалга ошириш босқичлари. Инвестиция дастурини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари. *Инвестиция дастурини амалга оширишнинг назоратини ташкил қилиги.*

3. АМАЛИЙ (СЕМИНАР) МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИНИНГ ТАХМИНИЙ РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсатининг моҳияти ва асосий йўналишлари
Ўзбекистон Республикасида инвестиция сиёсати. Ўзбекистонда инвестиция сиёсатининг мақсади. Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари.

Инвестиция фаолиятии давлат томонидан мувофиқлаштириш ва бошқариш
Инвестиция фаолияти тўғрисида тушунча. Инвестиция фаолиятини амалга ошириш босқичлари. Инвестиция фаолиятининг объектлари ва субъектлари. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштириш ва бошқариш.

Давлат инвестиция дастурини шакллантириш

Давлат инвестиция дастурининг моҳияти, мазмуни ва мақсади.

Давлат инвестиция дастурини тайёрлаш жараёни. Устувор ва танлаш жараёнининг тузилиши. Давлат инвестиция дастурига инвестиция лойиҳаларини киритиш тартиби ва уларни молиялаштириш. Бюджет маблағларига бўлган эҳтиёжни аниқлашда ҳисобга олинadиган харажатлар. Капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари. Инвестиция дастурини бюджетдан молиялаштириш ва бунда хорижий инвестицияларнинг тутган ўрни. Инвестиция лойиҳаларнинг адрес дастурлари.

Давлат инвестиция дастурига киритилган капитал қурилиш объектларини молиялаштириш ва кредитлаш

Капитал қурилишнинг мазмуни ва моҳияти. Давлат инвестиция дастурига киритилган капитал қурилишни бюджет маблағлари эвазига молиялаштириш. Давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминлашни расмийлаштириш учун буюртмачиларни маблағ билан таъминловчи банкларга тақдим этиладиган ҳужжатлар. Дастурга киритилган капитал қурилиш лойиҳаларини маҳаллий ва чет эл банклари маблағлари эвазига кредитлаш.

Давлат инвестиция дастурини амалиётга татбиқ этиш

Давлат инвестиция дастурини амалга ошириш босқичлари. Инвестиция дастурини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари. Инвестиция дастурини амалга оширишнинг назоратини ташкил қилиш.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ

Барча мавзуларни кўргазмалардан, воситалардан, слайдлар ва жадваллардан фойдаланиш асосида ўрганиш кўзда тутилган. Айрим аниқ масалаларни ўрганишда шахсий компьютерлардан фойдаланиш тавсия этилади.

«Давлат инвестиция дастури ва уни шакллантириш» фанини ўрганишда магистрантлар амалий ёрдам тариқасида вазирлик ва идораларнинг инвестиция дастурини тайёрлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этган таклифлари ҳамда уларни ўрганиш бўйича амалий материаллар билан таъминланади.

Магистрантларга «Давлат инвестиция дастури ва уни шакллантириш» фанини ўрганишда турли ахборот воситаларидан, шу жумладан Интернет тизимидаги қуйидаги сайт ва электрон почталардан фойдаланиш тавсия этилади:

<http://www.calvertfoundation.org/>

<http://www.optionetics.com/>

<http://www.eagleinvsys.com/>

<http://farmbill.farmbill.unl.edu/>

<http://www.ici.org/>

<http://www.aimr.org/>

<http://www.nasbic.org>
<http://www.Apexvc.com>
<http://www.wisebuy.co.uk/>
<http://subscribe.ru>
<http://www.bimk.kiev.ua>
<http://tininfo.bigural.ru>
<http://www.bashkortostan.ru>
<http://vuirute.iessl.ru>
<http://tutby>
<http://www.zelenograd2001.na.rod.ru>
<http://econsultant.ru>
<http://megapolis.kharkov.ua>
<http://www.rada.kiev.ua>
<http://alyona.nhs.ru>
<http://www.hse.ru>
<http://www.samara.ru>
<http://www.vestona.ru>
<http://www.officemart.ru>
<http://www.chtivo.ru>
<http://bdg.press.net.by>

Шунингдек, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Молил вазирлиги, Марказий банк, хорижий инвестициялар бўйича Агентлик,

Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва бошқа вазирлик ҳамда идораларнинг амалий материалларидан, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институтида тайёрланган ўқув фильмлар, дидактик материаллар ва мультимедия иловаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Магистрантларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турларда амалга оширилади: жорий, оралик ва якуний баҳолаш. Жорий ва оралик баҳолаш турларига ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70 фоизи, якуний баҳолаш эса 30 фоизи миқдоридан белгиланган

«Давлат инвестиция дастури ва уни шакллантириш» фанидан магистрант тўплаши мумкин бўлган максимал балл 40 га тенг бўлиб, шундан жорий баҳолашга 14, оралик баҳолашга 14, якуний баҳолашга эса 12 балл ажратилади. Жорий ва оралик баҳолаш турларига белгиланган баллар қуйидаги мезонлар асосида қўйилади:

магистрантнинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиши;
мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариши;
фан бўйича кўргазмалар қуроллар тайёрлаши.

Таянч ибораларга асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида "Ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича намунавий Низом" билан белгиланади. Семестр давомида фанлар бўйича тўпланган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича баҳоланади:

86 - 100 фоизгача (34,4 баллдан 40 баллгача) "аъло";
71 - 85 фоизгача (28,4 баллдан 34,3 баллгача) "яхши";
55 - 70 фоизгача (22 баллдан 28,3 баллгача) "қониқарли";

55 фоиздан кам (0 дан 22,9 баллгача) "қоникарсиз".

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистан Республикасининг «Чет эл инвестициял.тўғрисида» ги Қонуни 1998Й. 30 апрель. //Халқ сўзи, 1999Й. 12 январь.
2. Ўзбекистан Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» ги Қонун. 1998Й. 30 апрель. //Солиқ ва божхона хабарлари, 1998.
3. Каримов И.А. Ўзбекистан иқтисодий чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистан, 1995.
4. Каримов И.А. Ўзбекистан XXI асрга интилмоқда. Ўзбекистон, 1995.
5. Каримов И.А. 2001 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларни баҳолаш ҳамда 2003 йилда чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2003 йил 18 февраль.
6. Указ Президента Республики Ўзбекистан «О мерах по совершенствованию механизма реализации проектов с иностранными инвестициями» от 9 февраля 1998 года. Финансовое законодательство Республики Ўзбекистан. №3, 1998.
7. Указ Президента Республики Ўзбекистан «О частичном изменении Указа от 30 ноября 1996 года «О дополнительных стимулах и льготах, предоставляемых предприятиям с иностранными инвестициями». 27 марта 1998 года. //Налоговые и таможенные вести, №14, 1998.
8. Абдуллаева Ш. 3. Пул, кредит ва банқлар. — Т.: Молия, 2000.
9. Абдуллаева Ш. 3. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: Молия. 2002.
10. Ангелиди М. С. Каримов Н. Г. Анализ инвестиционных проектов: Учебное пособие. - Т.: ТМИ 2000. - 88 с.
11. Абрютинa М.С., Грачева А.В. Анализ финансово-экономической деятельности предприятий: Учебно-практическое пособие. - 3-е изд., перераб. и доп. — М.: Дело и Сервис, 2001.
12. Беренс В, Хавранек П.М. Руководство по оценке эффективности инвестиций. Пер с англ. перераб. и дополн. - М.: ИНФРА -М, 1995.
13. Бизнес-план инвестиционного проекта: Отечественный и зарубежный опыт. Современная практика и документация: Учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, 1997.
14. Банковское дело и финансирование инвестиций. Том 1, том 2. Под ред. Н. Брука (Всемирный Банк Реконструкции и Развития), (в четырех частях). Институт Экономического развития Всемирного Банка, 1995. Липсиц И. В., Коссов В. В. Инвестиционный проект: методы подготовки и анализа. - М.: БЕК, 1996. Финансовый анализ: Управление капиталом. Выбор инвестиций. Анализ отчетности. - М.: Финансы и статистика, 1996.

Қўшимча адабиётлар

1. Богуславский М.М. Иностранные инвестиции: правовое регулирование. - М.: БЕК, 1996.
2. Бизнес-план инвестиционного проекта: отечественный и зарубежный опыт. Современная практика и документация: Учеб. пособие. - М.: Финансы и статистика, 1997.
3. Гитман Л. Дж, Джонк М.Д. Основы инвестирования. Пер. с англ, - М.: Дело, 1997.
4. Управление инвестиционным проектом. Опыт IBM. Пер с англ. -М.: ИНФРА - М, 1995.
5. Конкуренция и управление рисками на предприятиях в условиях рынка. - М.: Алане, 1997.

6. Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов - М.: Финансы и статистика, 1998.
7. Курс экономики: Учебник/ Под ред. Б.А. Райзберга. - М.:ИНФРА - М, 1997.